

Х. УМАРОВ



ЛОЙИХАЛАШ

УЗ
944.12
У 47

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМЛИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

УМАРОВ ХАСАНБОЙ ТОЖИМИРЗА ЎГЛИ

ЛОЙИХАЛАШ

Ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ
«INFO CAPITAL GROUP»
2018

УУК: 747.012 (075.8)

КБК: 85.126я7

У 47

Такризчилар: Архитектура фанлари доктори, профессор
Д.А. Назилов

Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ Бадиий кулол
ва таъмирлаш кафедраси доценти Ф.Х.Исламов

Умаров X.

Лойихалаш/ ўқув кўлланма – Умаров X.: “Info Capital Group”,
2018. – 96 б.

Ушбу ўқув кўлланма Амалий санъат асарларини таъмирлаш йўналишида таҳсил олувчи 1 курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда талабаларга 1 курсдаги мавзулар юзасидан қўлланмалар ишлаб чиқарилган. Чет эл хорижий адабиётларидан фойдаланган ҳолда сирланган ва сирланмаган сопол буюмларни лойиҳалаш асосида таъмирлаш жараёнлари кўрсатилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйргугига асосан наширга тавсия қилинган.

УУК: 747.012 (075.8)

КБК: 85.126я7

ISBN 978-9943-5342-5-4

© Умаров X, 2018.

© «Info Capital Group», 2018.

КИРИШ

Лойиҳада ишлаш фани бўйича тайёрланган ушбу ўқув қўлланма олий таълим тизимининг бакалаврлар тайёрлаш босқичи учун мўлжалланган ҳамда бакалаврлар тайёрлашга бўлган талаблар асос қилиб олинган. Курснинг мақсади ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий бойликларини, улар орқали улардаги лойиҳа материаллари билан ишлаш жараёнини, бизгача етиб келиш тарихи, топилган ёдгорликини таъмирлаш тиклаш, уларнинг нусхаларини яратиш ва тайёрлаш технологияларини аниқлаш улар устида иш олиб бориш каби вазифаларни юклайди. Мақсад, талabalарни тарихий ёдгорликларни таъмирлашда илмий ва амалий жиҳатдан саводли қилиб тарбиялаш, таъмир ишларини ташқил қилишда тарихий бойлигимиз, маданиятимиз дурдоналарига нисбатан юксак тажриба, чуқур билим, юқори маҳорат ва маракка билан муносабатда бўлишни талаб этишдан иборатdir.

Мустақил Ўзбекистонимиз бебаҳо табиий бойликлари билангина эмас, балки тарихи, бетакрор обидалари ҳамда маданий-маънавий ёдгорликлари билан ҳам жаҳонга машҳурдир. Лекин кудратли вақт қолдирган чуқур асоратларни бартараф этиш уларни келажак авлодларга етказишда таъмирчи мутахассислардан ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ихтисослик бўйича ўтиладиган ушбу фаннинг мақсади мана шундай вазифани бажариш учун маъсулиятли мутахассисларни тайёрлашдан иборатdir. Шунингдек, ушбу дастур олдидаги вазифа мутахассислик бўйича ўқув режасига кирган амалий вазифалар бажариш орқали олган билимларига асосланиб, талabalarni Марказий Осиё қадимги усталари қўлланган лойиҳада ишлаш услубини ўрганиш, замонавий амалиёт ва илмий ютуқлар даражасида бадиий безакларни сақлаш ва таъмирлашга ўргатишга қаратилган.

I БОБ. АМАЛИЙ САНЬЯТ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШ

1.1. Амалий санъат турлари ва тарихи

1. Амалий безак санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва ривожланиши тарихи.

Амалий безак санъати – театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат каби санъат турлари қатори мустақил аҳамият касб этади. У ўз номига кўра амалиётда, яъни турмушда қўлланиладиган безак санъати маъносини англатади. Амалий безак санъати турли хил буюмлар, кўчалар, майдонлар, ўқув-табиявий муассасалар, моддий иншоотларни безатиш билан боғлиқ. Шунингдек, у кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари безагини ҳам ўз ичига олади. Амалий безак санъти кишилар турмушида шунчалик кенг қўлланиладики, усиз турмушни тасаввур этиш қийин.

Амалий безак санъати идиш-товоқлар, кийим кечаклар, безаги ва бошқа турли безакларда қўлланилади. Амалий-безак санъати ниҳоятда қадимий бўлиб, у кишиларнинг меҳнат фаолиятлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган деб тахмин қилинади.



1-расм. IX-X асрларга оид Қанка ҳудудидан топилган сирланган сопол буюмининг (лаган) таъмирланган ҳолати.



2-расм. IX-X асрларга оид Қанқа ҳудудидан топилған сирланған сопол буюмининг (күза) таъмирланған ҳолати



3-расм. Каштачилик



4-расм. Хоразм кулолчилик мактаби

Үйғониш давригача уй ҳунари шаклида, кейинчалик ҳалқ-бадиий ҳунармандчилиги тариқасида шаклланди. Аста-секин ҳалқ ҳунармандчилиги буюмлари орасида юксак бадиий савияда ишланганлари ҳам пайдо бўлди.

Турмушда фойдаланиш учун тайёрланадиган буюмларнинг барчасини ҳам амалий безак санъатига оид деб бўлмайди. Турмуш учун мўлжалланган кийим-кечак, идиш-тобоқ амалий санъат буюмига айланиши учун уларга маълум талаблар қўйилади. Яъни улар бадиий савияда бажарилиши лозим. Бунда уларнинг тузилиши, шакли, композицияси, ранглари, материали назарда тутилади. Бу талабларга жавоб бермаган тақдирда, улар ҳунармандчилик буюми каторидан ўрин олади. Тикув машиналари ёрдамида тайёрланадиган буюмлар, амалий саънат наъмуналари бўла олмайди. Чунки улар юқоридаги талабга жавоб бера олмайди.

Амалий безак санъатнинг асосий мақсади инсонларнинг бадиий дидини шакллантириш, эстетик тарбиялаш, қолаверса уларни баркамол етук шахс қилиб тарбиялашдан иборат.

Амалий безак санъатида шакл муҳим аҳамият касб этади. Амалий безак санъатини рангсиз тасаввур этиш қийин.

Амалий санат буюмлари уларнинг вазифаси, безаги, материали, ранг ўлчовларига риоя қилишни талаб этади. Шундагина буюмлар кишиларни ҳаяжонлантиради, тўлқинлантиради ва уларга завқ бағишлиайди.

Ҳалқ амалий санъати жуда қадим замонда пайдо бўлиб, ҳалқ ҳунармандчилиги тарзида ривожланниб, санъатнинг энг қадимги ривожланган ва барҳаёт тури бўлиб келган.

Амалий санъат буюмлари, бирмунча эркин ижодкор тафаккури маҳсули сифатида яратилади ва у теварак атрофга файз киритишга қаратилган бўлади.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган ганчкорлик, наққошлиқ, ёғоч, тош ва сүяк ўймакорлиги, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларни ўзига хос бажариш технологиялари ҳақиқий миллий

номлари, уларга хос атамалар, ном қозонган усталар йўқолиб кетиши ҳавфи остида қолган эди.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қиласди. У Самарқанд Бухоро, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган.

III асрда қальянинг серҳашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган Варахша шаҳарчасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва эрамиздан аввалги III-IV асрларда ишланган ганч ўймакорлиги намунаси топилган. Варахшадаги топилмалардан VII-VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдиқларидан намуналар топилган.

Ўрта Осиё амалий безак санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўрта Осиё ҳудудида археологик қазилмалардан Хоразм, Суғд, Бақтрия ва бошқа вилоятларда амалий санъатнинг ривожланганлиги маълум.

Ўзбекистон ҳудудида кўплаб археологик топилмаларни бунга яққол мисол қилишимиз мумкин.

XI-XII асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичида геометрик нақш кўп ишлатилган. Ҳар бир вилоятнинг ўз мактаби бўлган.

Нақшнинг ўз атамалари мавжуд.

Гул-нақш сўзи ўрнида ишлатилади.

Рута – (русча) хошия нақш.

Жисми дурарабар – икки йўналишили ҳимоя нақш

Намоён (форсча) – кўриниш.


Наққошлиқда қалам, линейка, ўчирғич, бўёқлар ишлатилади.

Коғозга нақш солишини ўрганиш учун даставвал, тўғри, эгри, тик, айлана чизиқларни чамалаб бўлишдан бошланади. Чизиш вақтида симметрия, асимметрия ва бошқаларга эътибор берилади.

Ёғоч ўймакорлиги санъати кенг тарқалган. Бунда буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. V-VI асрларда ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган. VII асрнинг охиригача маҳаллий ёғоч ўймакорлик жуда тез суръатлар билан ривожланган эди. Ёғоч ўймакорлиги билан эшиклар, бинолар, устун, равоқ ҳар хил хонтахталар безатилган.

Ёғоч ўймакорлигига ота-боболаримиз қадимдан ҳар хил ёғочлардан турли мақсадда фойдаланиб келганлар. Ёғоч хусусиятлари синчиклаб ўрганилиб, кейин ёғочга ўйиб нақш ишланган. Ёғоч ўймакорлигига турли асбоблар ишлатилиб улар ўзига хос ишларни бажаради.

Ёғоч ўймакорлигига асбоблар икки турга бўлинади «ўйма қаламлар» ва «нақш қаламлар» асбоблар шакли ва баъжарадиган ишга қараб ускуналарнинг бир қанча хилларга бўлинади чизғич, циркуль, учбурчаклар, трансформатор.



5-расм. Доира ичиди нақш композицияси

Нақш ўймакорлиги I-III асрларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари биноларини устунлари ҳамда пойдеворлари ни безашда харсангтош, мармартош ва оҳактошдан фойдаланганлар. XV асрда Ўрта Осиёда айниқса тоштарошлиқ ривожланди ва такомиллаши.

Амир Темур, Ахмад Яссавий мақбараси, Бибихоним масжиди ва бошқалар жозибадор қилиб безатилди. Самарқандлик сангтош уста Жалол Жўраев машҳур меъмор Абдураим Обидов тош ўймакорлик сирларини ўрганган. Тош ўймакорлигига – асосий материал тошмармар, гипстошdir. Асбоблар болға, зубила, исказа, арра, пичоқ, парма.

Суяк ўймакорлиги Ҳиндистон, Ёқутистон, Африка, Хитой Шарқ мамлакатларида ривожланган суяк ўймакорлиги Ўзбекистонга 1959 йил кириб келган. Суяк ўймакорлигига парма, арра, эгов ҳамда ўзига хос мукаммал механик асбоблар ишлатилади.

Кандакорлик – металдан ясалган бадиий буюмларган ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш.

Археологик топилмалардан II-III асрларда ривожланганини аниқланган. Мис идишларнинг ясашнинг техник усули мавжуд.

Кулолчилик қора лойдан мўжизакор гўзаллик яратган. VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Кулолчиликда лой, чарх ишлатилади.

Пичноқчилик санъатида пичноқ ясалади. VI-XII асрларда пичноқ ясаш ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

Республикамизда йигирмага яқин пичноқчилик марказлари бор.

Пичноқ тиғ, даста, қиндан иборат. Пичноқчиликда ўчок, дам, сандон, эгов, болға, ишлатилади.

Ўзбек заргарлиги жуда қадими тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган.

Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб ривожланган. XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида бадиий хунармандчилик ривожланди.

Каштачилик – жуда қадимий ҳунар. У чет элларда ҳам шухрат қозонган.

Зардўзлик – зар (тилла) дўзи (тикмок) форсча сўзидан олинган.

Зардўзлик XV-XVII асрларда эрон подшолиги саройида ривожланган.

Зардўзликда 30 хил классик тикиш усули мавжуд. Зардўзлик гулдуза ва заминдўзи турлари бўлади.

VI асрда Ўзбекистонда гилам тўкиш санъати ривожланганилиги аниқланган. Кигиз босиш, саватчилик ҳам қадимий ҳунар турларидандир.

Назорат учун саволлар

1. Амалий безак санъатининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Халқ ҳунармандчилиги турларини айтиб беринг?
3. Устоз-шогирд деганда нимани тушунасиз?

1.2. Кулолчилик санъати

1. Кулолчилик санъати тарихи
2. Кулолчилик мактаблари
3. Амалий машғулот

Кулолчилик қора лойдан мӯъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Бу қора лой, саҳоват, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжини ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатнинг заминидир. Кулолчилик билан дунёдаги барча ҳалқлар шуғулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услугга эга. Сопол буюмлари содда бўлса-да унинг кўриниши қисмларнинг аниқлиги, мутаносиблиги сақла-

ниши, нақшларининг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмунининг бирлиги, уйғунлиги ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмокда. Кулолчилик ҳунари лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тогора, хум, тандир каби буюмлар, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус турпроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларида ёқ билганлар. Улар аввал лойдан идиш-товоқлар ясад, гулханда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларидан бўлгани учун кулолчиликнинг кенг тарқаган тури бўлиб, дастлаб бу ҳунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чархи милоддан аввалиги 3-минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

Неолит даврида идишларнинг таги учли қилиб тайёрланниб ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда Қадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошланган.

VIII–XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар, яъни Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рӯдакийлар етишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. Бухорода Исмоил Сомоний мақбараси қурилди.

XIII асрда мўғуллар босқини оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолади. Оқибатда, кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё худудида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. Амир Темур халқ амалий санъатини

ривожлантиришда жуда катта хизмат қилди. Босиб олингандан жойлардан усталарни олиб келиб улар учун расталар очтириди. Машхур, гўзал, нафис бинолар, қасрлар, саройлар курдирди. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро ички жанглар оқибатида Темурийлар хонлигида марказлашган хонлик кучсизланиб кетди. Натижада Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари пайдо бўлди. Ўрта Осиёда бир неча феодал давлатнинг бундай ажralиши натижасида ўзаро алоқа сусайиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам кулолчилик турли ерларда турлича ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташқил бўла бошлади. Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришига эҳтиёж сезилади. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислашиб борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар.

XIX асрда арzon баҳо чинни ишлаб чиқарилиши ва Россиядан чинни ишларнинг кўплаб олиб келтирилиши Ўрта Осиё ҳудудида сопол буюмлар ишлашни бирмунча пасайтириб юборди. Лекин арzon сопол идишларни меъморчилиқда кенг фойдаланилиши кулолчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Фиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлади. Улар сопол ишларини сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган кулолчилик маҳсулотларининг сифатлилиги, чиройлилиги, нақшларининг нафис ва таъсирчанлиги билан шуҳрат қозондилар. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика ва Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ташқил этилиб у ерда халқ амалий санъати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташқил этилди (1943 йилда

Шаҳрисабзда ўқув-ишлаб чиқариш бадиий комбинати ишга тушди). Кулолчилик сир-асрорларини машҳур кулоллар ёшларга сидқидилдан ўргатдилар. Булар риштонлик Узоқ шерматов, Холмат Юнусов, ғиждувонлик Муҳаммад Сиддик, Усмон Умаров, тошкентлик Туроб Миралиев, Шахрисабзлик Рустам Эганбердиев, Карим Хазратқулов ва бошқалар эди.

Кўпгина кулолчилик устахоналари, артеллари ташқил этилди. 40 йилларда Фиждувондаги “Намуна”, Риштонда “Янги ҳаёт” артеллари фақат юртимизда эмас, балки бутун дунёга машҳур эди.

Айниқса, кулолчиликни татбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов са-марали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдириди.

Муҳиддин Раҳимов - Тошкент кулолчилик мактабининг машҳур кулолларидан бири (1903). Кулол, санъатшунос, Рассомлар уюшмасининг аъзоси, халқ рассоми кулолчилик хунарини қариндошлардан ўрганади. Туркистон халқ хўжалиги кенгаши қошидаги Тошкент бадиий хунармандчилик мактаби (1918-20), Москва Силикатлар институти (1924-26) да ва Ленинград Керамика институти (1927-29) да ўқиган. У Саманқанд ва Тошкентдаги қадимий меъморчилик ёдгорликларини таъмиглашда қатнашди. М.Раҳимов ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий совет сополчилиги уйғунлашган. Ижодининг дастлабки даврида яратган буюмлари (йирик шаклли эркин ҳамда қуюқ бўялган нақш безаклари)да ёрқин заминдаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция хосил қиласди. Ўрта асрлар кулолчилигини яхши курган М.Раҳимов анаъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретли совға буюмлар яратди, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мазмун, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан мохириона фойдаланади. Сопол материали ва бўёқларини ўр-

ганиш йўлидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди, масалан, 1961 йилда рус тилида “Художественная керамика Узбекистана” асари ва бошқалар. У Ҳамза Номидаги санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1965-71), Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (1958-61) ва П.Беньков номидаги бадиий билим юртида дарс берган (1952-76). М.Раҳимов яратган сопол буюмлар Москвадаги шарқ халқлари санъати музеи, Ленинграддаги этнография музеида, Ўзбекистон музейларида сақланади. У Ҳамза мукофоти лауреати (1977).

Хоразм кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшган устардан бири Раимберди Матжоновдир.

Раимберди Матжонов – Хоразм бадиий кулолчилик мактаби Ўзбекистон амалий безак санъатида алоҳида ўрин тутди. Кулолчилик мактаби Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилик мактабларидан ўзига хос ясаш услуби, технологияси, нақш композициялари, колорити, динамиклиги кишиларга эстетик таъсирчанлиги билан алоҳида ўрин тутади. Хоразмда бу қадимий санъат авлоддан-авлодга анъана тариқасида ўтиб ҳозирги кунда ҳам ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Ана шундай бадиий кулолчилик анъанасини давом эттириб келаётган Хоразм кулолчилик мактаби-нинг йирик вакъилларидан бири рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раимберди Матжоновдир.

Раимберди Матжонов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулолчилар оиласида дунёга келди. Ўша даврда Мадир қишлоғида ўн бешта кулолчилик устахонаси бўлиб, уларда саксондан ортиқ кулоллар ишлар эди. Кошин пиширишда ўша даврда ном қозонган усталар Уста Болта Матризаев, Болта Ваисов, Матжон Қулматовлар бор эди. Матжон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сирасорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил

ўйинчоқлар, шакллар ясаган бұлса, кейинчалик ихчам бодия, кошинни ўрганди. Кулолчилик сир-асрорларини олти йил деганда ўрганиб, Эшим кулолнинг оқ фотихасини олди. Ўзи мустақил идиш ва кошинлар ижод қила бошлади. 1930 йили Р.Матжонов кооператив артелига кириб кулолчилик ишларини давом эттиреди. Ўша даврда қулллар жуда камайиб кетген эди. Унинг бу оғир ишларига турмуш ўртоғи ёрдам берарди.

Уста наққошлиқ сир-асрорларини мукаммал ўрганди. У шу ўрганган нақшларини кулолчилик буюмларига қўллашга астойдил интилиб, XIX-XX аср Хива кошинкорлик анъаналарини бойитадиган буюмларда ҳам, кошинда ҳам уч хил оқ, яшил, ложувард ранглардан фойдаланди. У рангларни тайёрлаш технологиясини ҳам жуда яхши билар эди. Идиш тайёрлангандан сўнг қўлда ва штамп ёрдамида нақш чизилади, унга сир берилиб офтобда қуритилиб печда қиздирилади. Уста сирни ўзи тайёрларди. Қорақмуга бориб, чоғон ёки кирчоп йифиб дарҳол ўша жойда ёқиб кулини устахонага олиб келиб майдаланган шиша унига қўшади. Яъни уч қисм кулга бир қисм шиша кукуни қўшилади. Уни бирор идишда сув билан аралштириб тайёрланган бодияга суртилади. Кейин бодияни ўтда пиширишда ўша юмалоқ суюқлик ўтга ташланади. У ўтда бодияга урилиб рангини ўзгартиради. Ўша қум порошогини сув билан аралаштириб, совитилади ҳамда тозаланади. Унга ун ва озгина мис оксиди қўшиб тайёрлайди, сўнгра бодия сиртига суркайди. Кулол Раимберди Матжонов шу технология асосида лойдан хум, кўза, тоғора, чаноқ, чойнак, пиёла, офтоба, бодия ва бошқа хилма-хил бадиий буюмлар тайёрлади. Халқимиз “шогирдсиз уста мевасиз дараҳт” деб бекиз айтмаган. Устани Хоразмда сермева дараҳтга ўхшатишади, чунки жуда кўп шогирдлар етиштириб чиқаради. Ўзбекистон халқ усталари бирлашмаси Раҳимберди Матжонов устахонасида ҳунармандчилик мактаби очтириб, у ерда ҳунармандчилик сир-асрорларини ўргатди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Марямжон Матжонова, Мукаррама Саъдуллаевалар ҳо-

зир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқдалар. Тарихий обидаларни таъмирлашда уста кулолнинг хизматлари катта. 1956 йили Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди. У гумбазнинг пастки қисми учун қадимги услубда зангори рангда кошинлар тайёрлаб берган, улар ҳозирги кунда аввалгидек рангини йуқотмай турибди. Кулол яна кўхна арк дарвозасининг икки минорасини ва мъеморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди.

1975 йили халқ устаси кумуш медали билан тақдирланди. 1970 йилдан бери рассомлар уюшмасининг аъзоси Уста Раимберди Матжонов сехрли қўлларида сайқал топган бадиий кулолчилик буюмлари Республикализнинг ва бошка чет элларда масалан Венгрия, Франция, Чехословакия, Хиндистон, Италия, Монголия каби хорижий мамалакатларда намойиш этиб фахрли ўринларни эгаллади. Унинг бодия, кўзача, чаноқ, кошин ва бошқалари Москва, Ленинград, Тошкент, Хива шаҳарларида музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган.

1.3. Кулолчилик буюмларини ўрганиш

1. Сопол идишларни лойиҳалаш
2. Ювиш (отмывка) усулида амалий машғулот



6-расм. Сирланмаган
сопол буюмнинг топилма
ҳолатидаги кўриниши



7-расм. Сирланмаган сопол буюмнинг таъмирланган
ҳолатидаги кўриниши



8-расм. IX-X асрларга оид Қанқа худудидан топилган сирланган
сопол буюмининг топилма ҳолатидаги кўриниши







9-расм. IX-X асрларга оид Қанқа ҳудудидан топилган сирланган сопол буюмининг таъмирланган ҳолатидаги күриниши



10-расм. IX-X асрларга оид Қанқа ҳудудидан топилган сирланган сопол буюмининг топилма ҳолатидаги күриниши



11-расм. IX-X асрларга оид Қашқа худудидан топилган сирланган сопол буюмининг таъмиранган ҳолати



12-расм. Ўрта асрларга тегишли сопол буюмлар шаклларининг лойиха кўриниши

Шимолий Италия ҳудудида топилган археологик топилмалардан бири бўлган сирланган сопол буюмларининг лойиҳаси



13-расм. Сграффито мотивлар билан безатилган пиёланинг лойиҳаси Шимолий Италия, XVII аср (Чристине Боддингтон).

Бацонстхорпе кальясида топилган дехқон рақс панели билан безатилган немис беллармине сопол меш-идиш. Дехқон рақс умумий панел лойиҳаси ва бу импорт қилининадиган кўзаларнинг энг машҳур турларидан бири хисобланади.

Чрис Эванс



14-расм. Қари панритнинг хум калласи. Тананинг бошланиши билан кичик бир илон боши факат чап қош юкорида кўриш мумкин.
(Margaret Tremayne)¹

¹ Archaeology & illustrators A HISTORY OF THE ANCIENT MONUMENTS DRAWING OFFICE ARCHAEOLOGICAL GRAPHICS REPORT Judith Dobie and Chris Evans (11-12 бет)

II БОБ. СОПОЛ БЮЮМИНИ ЛОЙИХА АСОСИДА ТАЪМИРЛАШ

2.1. Лойиҳалаш усулларини ўрганиш

1. Отмывка маҳоратини ошириш (*амалий машғулот*)
2. Нуктали усулни ўрганиш (*амалий машғулот*)
3. Отмывка маҳоратини ошириш

Академик бүёқ машқи

Архитектуравий чизмаларни график безашнинг турли усуллари мавжуд чизиқли графика, штрихли графика, нуқтали графика, гуашда бўяш (рангли графика), сувбуёқда бўяш ва бошқалар. Сувбуёқда бўяш графикаси нур ва соя хусусиятларини жуда нафис кўринишларда ишлаб чиқиш имкониятларини туғдиради.

Сувбуёқда бўяш графикасининг вазифалари. Сувбуёқда бўяш – меъморий чизмани ишлаб чиқишининг асосий ва ўзига хос услуби бўлиб, уни эгаллаш малакавий техник тажрибани талаб қиласди. Бу техникани факат нур ва соя модели тарзида эмас, балки меъморий чизмани ҳар хил тонда ишлаб чиқиш имкониятлари тарзида тушунмоқ керак.

Сувли бўёқнинг асосини сув ташқил этиб, чизмани бўяш учун туш, акварель бўёғи ва юмшоқ мўйқалам (кист) қўлланлади. Меъморий чизманинг деярли ҳамма турида кулланиладиган сувбуёқ буйича кўрсатмалар мутлоқ эмас, чунки обьектнинг ёритилиш шароити, меъморий шакл характеристи ва куйилган график вазифа фавқулодда хилма-хил бўлиши мумкин. Сувбуёқ графикасини қўллаш доираси жуда кенгдир, чунки у бино элементлари (режа, тарх, тарз, дерага-

залар, кичик соялар ва ҳоказоларни) кулранг ва кора бўёқда бўяшдан тортиб, то кенг осмон ва ер текислиги, тарх ва бош режаларнинг катта сояларини бўяшни ҳам ўз ичига камраб олади.

Чизманинг таъсирчанлиги сувбўёқнинг характерига боғлиқдир. Бир текис бажарилган енгил сувли бўяш чизмани кучсиз нимранг қилиб кўрсатса, қорароқ тушда ишланган қуюкроқ сувли бўяш қофоз чегараларининг оппоқлигини бўрттириб кўрсатади. Агар таъсирчан бўлмаган «қўrimсиз» чизмага кора «доғлар» (одамлар, ёзув, дарахт ва буталар) ишлатилса, чизма бутунлай бошқа сифатга эга бўлади (147-расмга каранг).


Меъморий чизмалар сувбўёқда чизиқларнинг кўриниши ва қаламлар мусаффолигини ҳамиша сақлаган ҳолда, ёруғликдан қоронғиликка нозик ўтишни таъминлайдиган акварель ва хитой тушида бажарилади.

Сувбўёқда бўяш усуллари. Чизмани текис бўяб чикиш учун энг аввало сувбўёқни мувофиқ тонда танлаш керак. Агар хитой туши ишлатилса, у аввал нам идишда ишқаланиб, сўнгра қайнатиб совутилган сувга қўшилади. Ҳосил бўлган суюқ бўёқ пахта ёки бир неча қават докадан бир-икки марта ўтказилиб фильтранади.


Суюқ қора туш ё акварель бўёғи ишлатиладиган бўлса, унга кераклигича сув аралаштирилиб кейин фильтранади. Бўёқ ҳажми чизманинг ҳажмига мосланиб тайёрланади. Амалда уни кўпроқ тайёрлаш керак, чунки ҳар қандай тажрибали киши ҳам бир марта бўяшда исталган натижага эриша олмайди. Бўяшни бир неча маротаба такрорлашга тўғри келади. Бўяшдан олдин тахтага чеккалари яхшилаб елимлаб тортилган қофозни яна бир марта намлаш керак, чунки қуруқ қофоз текислигига туш бир текисда бўялмайди. Бўялаётган чизма 20-30 градус қияликда бўлиши керак. 18-20 сонли юмшоқ мўйқалам ёрдамида қофознинг тепа қисмидан сувли бўяш бошланади. Уларнинг ритмик ҳаратати билан бўёқли сувни мўйқаламда қофознинг пастки қисмигача олиб борилади.

Сув түпламчалари бир хилда горизонтал равишида бўлиши керак ва зинхор унинг оқиб кетишига йўл қўймаслик зарур (190-расм). Қоғознинг паст кисми бўялиб бўлганидан кейин қуруқ мўйқалам ёрдамида сув түпламчаларини олиб ташлаш мумкин бўлади.

Сув бўёқнинг бир неча усуллари мавжуд:



15-расм. Сувбўёқда ишлаш: а) тахтага қофоз тортиш;
б) буёқлашда қофоз ва мўйқаламнинг ҳолати.



16-расм. Сувбўёқ графикасининг усуллари:

- а) юзани бир хил тонли бўёқда бўлакларга бўлиб бўяш;
- б) юзани ҳар хил тонли бўёқда яхлит бўяш

Биринчи усул. Агар қоғоз юзасини бир текисда бүяш талаб қилинмаса оқдан қоронғулашиб борадиган текислик қаламда бир неча тенг бұлакларга бұлиб чиқилади. Нимранг бүёк тайёрланып олинады, у билан бутун текислик бир хилда бүяб чиқилади. Қоғоз қуригандан кейин биринчи кисми қолдирилиб, иккінчи кисмдан бошлаб шу бүекда “ювила-ди”, сұнgra учинчи кисмдан бошлаб “ювилади” ва ҳоказо (а-расм).

Иккінчи усул. Бир хил түшден бир неча тонда сувли бүёк тайёрланади. Текисликни тоза сув билан ювіб бошлаб, унга тайёрланған бүекнинг эңг оч тонини кутиб, паства тушган сайин қорароқ; тонлар құша борилиб рангда керак-ли нозик қорайышларга эришилади (6- расм).

Учинчи усул. Бу усулда қоғоз сув билан олдиндан намланиб олинади. Бүекнинг қорароқ тонини қоғознинг нам сатхига шундай қүйиш керакки, оқдан корага дарров енгил үтиш ҳосил бұлсін. Бу усулнинг қийинчилігі шундаки, қоғознинг намланиш даражасини аниқ билиш керак. Акс холда туш оқ фонда чегара (контур) ҳосил қилиши мүмкін.

Юқорида айтиб үтилган усуллар ўзининг ижобий са-марасини қуидаги шартлар бажарилғандагина курсатиши мүмкін:

- аниқтап, чизмани тұғри тушуниш, озодалик, ишни охиригача етказиш услугарининг яхши ұрганилғанлиги;
- меъморий чизиқтарда чегара (контур) сақлаш, ундан чиқмаслик ва ҳатто бұрттириб күрсатишиңа эътибор беріш.

Бу шартларнинг бажарилиши қоғоз юзасини бир текисда бүяшни таъминлайды. Меъморий иншоот ва унинг қисмла-рини оқдан корага томон сувли бүяш услубида бажариш нур ва соя муносабатини чиқаришда нисбатан қийин ва масъул вазифа юклайди.

Сүббүекда нур ва сояларни чиқарши. Эскиз ишлаш жара-ёнда меъморий шакл пластикасига таъсир этувчи ёруғлик манбалари: офтоб, осмон, рефлекс, ёруғлик кучидек омилларни аниқлаб олиш лозим. Ёруғликнинг шакл сатхига тушиш бурчаги шартлы тарзда 45 градус деб кабул қилинган.

Иш умумий шаклдан, ёруғлик тұғри тушаётган жойлардан, ярим тон, соя, рефлексдан бошланиб, деталлар фактураси-ни күрсатиш билан туталланади.

Агар рефлекс ёруғлик кучига күра осмон ёруғлигидан кучлирок бұлса, шаклнинг рефлекс берувчи текисликка қа-ратилган ҳамма жойида ярим тонни саклаш керак. Ҳар қандай сувли бүяш шароитида ҳам нур ва соя орасидаги кенг муносабатни саклашнинг ва енгил ярим тоннинг уму-мий-расм. Сувбүёқ графикасида бажарылган мейманий де-таллар: а-биринчи усул; б- ёруғлик тонига ва аксинча, қо-ронғу ярим соя ва рефлекснинг умумий тонга бұлған муно-сабатини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Мейманий шаклдан тушаётган соялар чегарасини бұрт-тириб күрсатиш чизмага алоҳида пластик күриниш ва аниқ-лик бағишилайди.

Сувбүёқда сояларни ишилаш

Кенгликда ҳар хил узоклика турған мейманий шакл-ларни сув бүёқда бүяшда фазовий қисқариш (перспектива), нур ва соя муносабати қонуниятларига риоя қымкап зарур: шакл томошибинга қанчалик якин бұлса нур ва соя муно-сабати шунчалик контраст, деталлар ва фактура шунчалик аниқ күриниб, шакл канча узок бұлса нур ва соя контрастли-ги йүқолиб, фактура ва деталлар шунчалик умумий күрсати-лади.

Талаба шуни яхшилаб үрганиб олиш керакки, деталь ё объектни ёритиш қуидагиларга боғлиқдир:

- нурнинг ёруғлик кучига;
- нур тушаётган бурчакнинг катталигига;
- ёруғлик манбаининг ёритилаётган юзагача бұлған ма-софасига;
- бүялаётган юзанинг фактура, текстура ва характеристига.

Шаклга ёруғлик бевосита ёруғлик манбаидан ёки қайтган нурдан, яъни акс этган нурдан тушиши мумкин. Нурнинг акс этишига сабаб, яна үша юзанинг фактурасидир. Тушаёт-ган нур шу фактурага урилиб тарқалади. Тарқалған нур учун

ёруғлик манбаи бұлиб атмосфера хизмат қиласы. Юзани учала ёруғлик (тушган, акс этган ва тарқалған нур) тулкинларининг мажмуди ёритади. Юзага 45 градус бурчак остида тушаётган нур юзада ёрқин нүктаны («блик»ни) ҳосил қиласы.

Соя иккى хил: «тушаётган соя» ва «уз сояси» каби хилларга бұлиніб, улар тон жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласы.

2.2. Сирланмаган сопол идишларни лойихалаш

1. Қоғозни бұяш усуллари
2. Мойбүёқ билан ишлаш
3. Тилла ва кумуш қоғозларни тайёрлаш

Қоғозни бұяш усуллари. Күпинча құл меңнати дарсларыда ишни бажариш учун керак бўлган рангдаги қоғоз тоғилмай қолади. Тайёрланадиган нарсанинг чиройли чиқиши эса танланган рангта боғлиқдир. Шунинг учун үқитувчи қоғозни бұяш малакасини мукаммал эгаллаган булиши ва уни үқувчиларига ўргатиши лозим.

Қоғозни бұяшда қуйидаги бүёқ ва мосламалардан фойдаланилади.

Акварель бүёқлар сувда әритилади, тюбиклардаги акварель бүёқлардан фойдаланиш жуда қулай.

Анилин бүёқлар билан газлама, қоғоз, картон яхши бұялади. Бу бүёқ порошок ҳолда сотилиб иссик сувда осон эрийди. Мойбүёқларнинг тайёр аралаштирилганини олиш лозим. Қуюқ пастасимонидан фойдаланиш мүмкін, улар алифмой билан суюлтирилади.

Қуюқ бүёқларнинг энг яхшилари тоза, очик рангдагилари бадий бүёқ лар дейилиб тюбикларда сотилади. Бүёқ танлашда факат уларнинг рангигагина эмас, балки хусуси-ятларига ҳам эътибор бериш керак.

Қизил бүёқлардан, – темирли сурикни, белилани, рухлисими; сариқ рангдан: рухли кронни; яшилини, хром оксидиди, күкиш ультрамаринни олиш керак.

Мойбүёклар секин қурийди, уларнинг қуришини тезлашиб учун 100 г бўёқ қа 2 г атрофида махсус сикатив эритмаси қўйилади. Агарда бўялган сатҳ ҳаддан ташқари ялтироқ бўлмаслиги талаб қилинса, бўёқ қа озгина скипидар аралаштирилади. Мойбўёқ лар оғзи зич ёпиладиган тунука банкаларда сакланади. Мойбўёқ қуриб қолмаслиги учун унинг устига алифмой ёки сув қўйиб қўйилади.

Елимли бўёқ ёки гуашда картон яхши бўялади, бироқ бу бўёклар қуёш нурида тезда айнийди.

Папирос қофоз ва оддий ёзув қоғозни бўяш осон. Қоғозни бўяш учун тогорачада анилин бўёғи керакли рангда ва оттенкада эритилади, бунда бўёқ қуриганда ранги очикроқ бўлишини ҳисобга олиш керак. Тайёрланган бўёқ ва қоғозни бир четидан ушлаб туриб ботириб олинади, сўнгра уни қисқичлар ёрдамида қуритиш учун осиб қўйилади, у бир оз қуригач, чап томонидан илиқ дазмол босилади.

Қоғозни бўяшнинг иккинчи усулида қоғозга суюқлаштирилиб бўёқ аралаштирилган сирач сурилади. Сирач юқорида айтиб ўтилган рецепт бўйича тайёрланиб, унга сувда эритилган гуашь (акварель, анилин) бўёғи қўшилиб яхшилаб аралаштирилади ва уни қоғознинг устига муйқалам билан сурилади. Қоғоз газета қопланган тахтага кнопкалар билан мустаҳкамланган бўлиб, уни аввал ўртасидан бир четига, сўнгра иккинчи четига қараб бўялади. Ранги сирач копланган қоғозга турли расмларни тушириш мумкин. Бўялган қоғоз қуригач унга очиқ спирт локи берилади ёки мумланган сукно билан сайқал берилади.

Қоғозни «сачратиб» бўяш ҳам мумкин. Бунииг учун акварель бўёқ суюлтирилади ва унга тиш чўткасини ботириб олинади. Қоғознинг устида чап қўлда эски тароқ ёки майдада металл турни ушлаб туриб унинг устидан бўёқ ботирнган тиш чўткаси юргизилади, Натижада қоғознинг устини бўёқ майда хол тарзида қоплайди. Бўяшни турлича амалга ошириш мумкин, яъни аввал бир рангни, кейин иккинчи рангни сачратиш мумкин. Қоғознинг устига силуэт қўйиб, бўёқ сачратилса, силуэт олинганда Қоғоз устида оппоқ

расм ҳолати, агарда трафарет қуилса, ок қофозга рангли расм пайдо бўлади. Бўяшнинг бу усулида пульверизатордан фойдаланиш мумкин.

Мойбўёқ билан бўяш. Мойбўёқ билан бўяш бир тонли ва мармарсимон бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бўёқ бир хил тайёрланади. Мойбўёқ керосин билан қаймоқ дара-жасигача суюлтирилиб, бўяш амалга ошириладиган идишда-ги сувга қуилади. Бир тонли бўяшда бир хил рангдаги бўёқ дан фойдаланилади. Сув устига қуилган бўёқ таёқча билан оҳиста аралаштирилади, бунда бўёқ сув устида ўпқа рангли қатлам (плёнка) ҳосил қилиши керак қофоз ана шу қатлам устига оҳиста қуиб олинади. Қофоз қуритилгач дазмолла-ниб, сўнгра ўнга рангсиз спиртли лок суртилади. Агар қофоз мармарсимон рангта бўяладиган бўлса, идишдаги сувга бир неча хил бўёқ солиниб, оҳиста аралаштирилади.


Шаффоф рангдаги, қофозни тайёрлаш учун оддий ёзув қофознинг ҳар иккала томонини керосин (ўсимлик мойи ёки бошқа ёғлар)га ботириб ундаги ортиқча ёғлар қуруқ тампон билан артиб олинади. Қофоз мойни кўп шимиб олмаслиги учун уни газета ёки ўрашга мўлжалланган қофоз ўртасига қуиб унинг устидан илиқ дазмол юритилади. Бундай қофоз қўл меҳнати дарсларида кальканинг ўринини бемалол боса олади.

Мураккаб уйинчоқларни ясашда қофозга тез ёнишдан сақловчи модда сингдирилади.

Сувга чидамли қофозни эритилган иссиқ мум ёки мум-нинг парафин билан аралашмасини сингдириш орқали оли-нади. Мактаб практикасида сув тегирмонининг парраклари, қайиқчаларга худди шундай ишлов берилади.

«Тилла» ва кумуш қофозларни тайёрлаш учун алюминили ва тилларанг бронза кукунларидан фойдаланилади. Эритувчи тинктура одатда кукун билан бирга сотилади. Металл кукунларини рангсиз спирт локида ҳам аралаштириш мумкин. Лок бўяш керак бўлса, металл кукуни крахмал сарачда ёки декстринли елимда эритилиб қофозни бўягандек бўяла-ди. Бироқ бу бўёқ унчалик пишиқ чиқмайди.

Қоғозни бўяшда, бўялаётган қоғоз тагига газетани бир неча қават қилиб солиш керак.



17-расм. Сопол буюмнинг лойиҳалаш жараёни

Назорат учун саволлар

1. Қоғозни бўяш усуллари?
2. Папирос қоғозини бўяш усулларини тушунтиринг?
3. Мойбўёқда ишлаш усулларини тушунтиринг?

1.5. Лаган эскизини тайёрлаш

1. Нафис керамика тушунчаси
1. Эскиз тайёрлаш босқичлари
2. Топилмани ўлчамлар асосида ўрганиш (*амалий машғулот*)
3. Топилмани миллиметровка қоғозига ўтказиш (*амалий машғулот*)

Нафис керамика тушунчаси

Майда донадор тузилишга эга бўлган, зич пишган ва сирти шишасимон сирнинг юпқа қавати билан қопланган буюмлар **нафис керамика буюмлари** деб аталади. Ҳозирги замонда керамика буюмлари асосан ишлаб чиқариш соҳаларига ва тавсияланишига кўра турли гурухларга туркумладилар. Нафис керамика буюмлари материалнинг пишиш даражасига қараб 2 та гурухга бўлинади:

- зич пишган сополакка эга буюмлар;
- ғовакли, қисман пишган сополакка эга буюмлар.

Биринчи гурухга кирган буюмларнинг синиқлари чиганоқсимон ялтироқ бўлиб, суюқлик ва газларни ўтказмайдилар, оқ ёки баробар тарзда бўялган бўлиб, чертилганда узоқ вақт сўнмай турадиган жарангдор товуш чиқардилар. Уларнинг сув ютувчанлиги 5 % дан юқори бўлмайди. Улар сирланган ва сирланмаган бўлиши мумкин.

Иккинчи гурухга кирган буюмлар синифи майда донадор тузилишга эга бўлиб, бўзарган кўринишга эга бўлади ҳамда суюқлик ва газларни ўтказиб юборади. Уларнинг сув ютувчанлиги 5 % дан ортиқ бўлади. Бундай буюмларни чертган-

да тезда сұнувчи паст товуш чиқади. Буюмлар юпқа булиши мүмкін. Зич пишган буюмлар таркибига чинни, нафис тош буюмлари ва иссиқликка бардошли буюмлар киради.

Ғовакли қисман пишган буюмлар қаторига яримчинни, фаянс ва сопол киради.

Нафис керамика буюмлари қаторига биринчи навбатда сопол ва чинни буюмлари кириши құпчиликка маълум. Сопол буюмлари жуда қадим замонларда ҳам ишлатилған. Бу фикрни археологик ва геология – қидируд ишләри натижасыда топилған пишиқ турли ранг берилған, усти сирланған ёки сирланмаган, уй рұзғорда ишлатиладиган буюмларнинг қолдиклари тасдиқлайды.

Бу топилмаларни чуқур таҳлил қилингандың таркиби тупроқ, құм ва бошқа бирикмалардан ташқыл топғанлығы маълум бұлған. Құп маблағ ва ишлов талаб этмайдын, баъдий безакли, сопол буюмларига бұлған әхтиёж жуда катта. Шунинг учун бу соҳани янада ривожлантириш, янада күркем маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадға мувофиқдир.

Нафис керамика буюмлари қаторига бир таркибли ва зич структурали пишган ёки майды заррачали (майды ғовакли) сополакка эга бұлған ва керамика технологияси асосида олинған буюмлар киради. Бундай буюмлар «құпоп» керамика буюмларидан сопалагининг кесимига күз илғаб оладынан күп таркибли структуранинг йүқлигі билан фарқланади.

Буюмларнинг ранги ёки сопалакнинг массивлігі нафис керамика билан «құпоп» керамиканы ажратувчи фактор бұла олмайды. Масалан, рангли чинни ва черепица, стеатитли буюм ва шамот ғиши керамика соҳаси турли гурұхларининг вәқиллари булишига қарамасдан бир хил рангта эга булиши мүмкін.

Шу билан birga бир гурұхға киравчи буюмлар ишлатилаётгандың хомашё ва мақсадға күра оқ рангли (тажриба идиши) ёки турли рангларға бүйлілік (маиший идиш–төвөк, декоратив буюмлар) булиши мүмкін.

Нафис керамика буюми ишлаб чиқаришда хомашё тозалығына құйылған талаблар кучли бұлади. Хомашёларни қай-

та ишлаш жараёни ҳам мураккаб ўтади. Харидорнинг эстетик талабларидан келиб чиқсан ҳолда қолипланган буюмлар юзасига ишлов бериш ҳам мураккаб кечади.

Нафис керамика материаллари ва қўрошинли биллур буюмлари ишлаб чиқаришда маҳсулотларга бадиий ишлов бериш муҳим жараёндир. Чинни ва сопол буюми утил ва политой куйдиришдан сўнг расм чизиш цехига жўнатилади. У ерда буюмларга деколкомания ёки қўл кучи билан расм чизилади ва расмни маҳкамлаш мақсадида қайта куйдиришга жўнатилади. Муфел печларида бўёқ 650-700 С ли ҳароратда маҳкамланади. Қўрошинли биллур қолипланганидан сўнг бадиий ишлов бериш цехига юборилади. У ерда олмос қиррали становларда уларнинг юзасига нақш ёки расм чизилади.


Илмий изланишлар натижасида ядро энергетикиси, машинасозлик, электрон ва ракета технологияларига мос хоссаларга эга бўлган маҳсус сопол буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон худудида топилган археологик топилмалардан бири бўлган сирланмаган сопол буюмларини лойиҳалаш.

Эр. авв. асрларда топилган сирланмаган сопол бумларини босқичма-босқич лойиҳалаш усусларини ўрганамиз.

Ишни сополдан ишланган экспонатларни ўғанишдан бошлаймиз уни эҳтиёткорлик билан қандай материаллардан тайёрланганини аниқлаб олиш лозим бўлади. Буюмнинг тъмирлашдан олдинги ҳолатини суратга тушириб оламиз.

Сопол буюмлари бизгача қўпинча бус-бутун бўлиб етиб келмайди. Шунинг учун биз топилмани эҳтиёткорлик билан ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади. Топилмани тъмирлашдан олдин унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Лойиҳани ишлашдан олдин топилманининг асл ҳолидан ўлчамлари олиниб миллиметровка қофозига ўтказилади, кейинги босқич унинг синган бўлакларини қайта тиклаш жараёнлари миллиметровка қофозида акс эттирилади. Сопол буюмнинг асл ҳолатига келтирилгач уни планшетга 4 ёки 5 хил кўринишида тушириб олинади.



18-расм. Спол буюмнинг отмифкала

2.3. Тайёрланган эскизни планшетга тушириш

1. Қоғоз танлаш
2. Қоғоз сифатига талаблар
3. Лойиҳалашда қоғоз тайёрлашнинг асосий қоидалари.
4. Амалий машғулот

Акварель бўёғи билан ок, қаттиқ қофозда яъни чизмачилик, ватман, ярим ватман ва торшировка қилинган қофозда ишлаш лозим. Бундан қоғозларда, кист билан ишлаш тирнаш, ювиб ташлаш, қириб ташлаб янгидан ишлаш имкониятлари бўлади.

Торшировка (гадир-будир) қилинган қоғоз. Силлик қофозга қараганда яхшироқ. Чунки силлик қофозда иккинчи Қатлам етказилганда биринчи қатламни синдиради ҳамда

қўйилган бўёқ керакли даражада нурланмай ранг ёрқинлиги паст бўлади.

Торсимон қоғозда эса ғадир-будир юзада ранг ўзига нурни яхши қабул қилиб жуда, сифатли равишда бўёқни ёритиб кўрсатади. Қоғозни ишни характерига кура тўғри танлаш лозим. Майда ғадир-будир қоғоз (мелкозернитая) майда масштабли тасвиirlарга, соядаги формаларни тасвирига, ҳаволик, нозик предметлага мос ёриқ келса ғадир-будир Қоғоз эса катта, ёркин формалар тасвири учун яхши имконият тутдиради. Расм учун қоғозлар қўйидаги маркаларда чиқарилади. В-ф-А-О.

В-выставкалар учун, бадиий ишлар учун.

Ф-тушда ишлаш , гравюралар ишлаш учун.

А- акварельда ишлаш учун.

О-умумий фойдаланиш учун (для массовых потребления).

Қоғозлар бўлакланган ёки (рулон) ўрамли бўлиши мумкин. Бўлакланган қоғозлар қўйидагича чиқарилади (мм) :210x297; 240x287;420x597x841; 640x878.

Қоғозлар фақат силлиқ тайёрланади. Аммо заказ бўйича қоғозни майда ўрта ва катта ғадир-будир (зернистый) қилиб ёки керакли тон бериб чиқарилади. Чизмачилик қоғозидан ташқари эскизлар учун қоғоз мавжуд. Бу қоғозда фақат акварельда, қаламда, кўмирда ишлашга яроқлидир. Чунки қоғоз чиқиндилари тайёрланади.

Шунингдек акварель учун фильтрлари учун чиқариладиган қоғоз ҳам яроқлидир. Тушда фото қоғозига ишлаш тавсия этилади чунки бу қоғозда туш жуда яхши ётади ва унинг керакли мақсадларда тирнаб (процессование) графика мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Бу қоғозни ишлатишдан олдин унинг (проявление) қилиб сўнгра гилосулфишъда (закрепление) қилиш мушкул чунки қоғоз саргиш тусдан оппоқ тусли бўлади.

Қоғоз сифатига талаблар

1. Сувда намланган қоғоз, қуригандан сўнг ўз юзасини (текислигини ўзгартирмаслиги) керак (деформация бўлмаслиги) .

2. Акварель бүёғи суркалгандан сұнг унинг юзасида дөғлар пайдо бұлмаслиги керак.

3. Бир неча марта бұялиб, сұнгра ювиб (тубка билан) ташлангандан сұнг унинг юзаси бузилиб, пахтаси чиқмаслиги, үзининг биринчи сифатини сақлаб колиши керак.

4. Бұялган қалам хусусий пичоқ билан қирилганда унинг юзаси үз сифатини сақлаб колиши керак.

5. Қоғоз юзаси узок муддатта үз оқлигини йүқотмаслиги лозим.

6. Қоғоз үзининг юқори қатламидагина бүёқни шимиб олиши лозим.

7. Қоғоз юзаси қалам билан ишлаш мобайнида үчиргичга юмдаланмаслиги, пахталанмаслиги керак.

Лойиҳалаша қоғоз тайёрлашының асосий қоидалари

Танланган қоғоз юзаси сифатли ва жуда тоза бұлиши керак. Унинг юзасида чанг, ёғ бұлмаслиги лозим. Юзадан кирларни олиш учун үчиргичдан фойдаланмаслик керак.

Қоғоз юзасидан чанг ва ҳар хил ёғларни йүқотиши учун болалар совунини майдалаб кириб уни илиқ сувда эрити-либ қоғоз юзаси ювиб ташланади. Қоғоз юзаси ювилгандан сунг бүёқ юзага яхши, текис ётади. Қоғозга қаламда чизиб бошлаганда иложи борича үчиргичдан кам фойдаланиш керак. Чунки, резинка қоғозни пахталантириб юборади. Ишни бошлашдан олдин кулларни албатта совунлаб ювиш керак. Кулнинг ёғ қатлами қоғозга тегавериб қоғозда күрінмас дөғ қолдириб оқибатда бүёқ қоғозга яхши суркалмайды.

Акварелда узок вақт ишлаш учун қоғоз албатта планетға тортилади. Қоғоз букланиб кетмаслиги учун уни маҳсус тахта (планшетларға) таранг қилиб маҳкамлаш керак. Бунинг учун планшетдан 1, 5-2 см каттароқ қоғоз олиб четлари букланади. Қоғознинг юзаси авайлаб ҳулланади (букланған жойидан ташқари). Қоғоз чеккаларига (букланған кисмига) елим суркаб, планшетта ёпиштирилади. Бунда бармоқлар билан қоғозни аста сидириб, бирлашған ва құтарилиб колған жойларини текислаб куйиш керак.

Қоғоз текис ёпиштирилгач планшетни горизонтал ҳолатда ётқизиб куритилади.

Қоғозни планшетта ёпиштирилгасдан “стиратортор” ёрдамида тарапнан қилиб тортиб қўйилса ҳам бўлади. “Стираторт”-планшетдан бироз каттароқ ромча бўлиб, хўлланган Қоғоз уларнинг орасига қистириб қўйилади, қоғоз қуригач, тарапнан тортилиб қолади.

Тортилиб қолган қоғозни қуритиш учун нормал температурада қуритиш лозим. Қўёшда ёки рефлекторлар ёрдамида қуритиш мумкин эмас, чунки сунъий қуритиш қоғозни жуда қаттиқ тортилишига ҳатто йиртилишига олиб келади.

2.4. Таъмирлашдан олдинги ҳолатни лойиҳалаш

1. Лойиҳа олди асослаш
2. Лаганни отмывка усулида лойиҳалаш (*амлий машғулот*)
3. Лаганни нуктали усулда лойиҳалаш (*амлий машғулот*)
4. Лаганни босқичма-босқич лойиҳалаш (*амлий машғулот*)

Лойиҳа олди асослаш технологиянинг асосий иши ҳисобланади. Буни бажаришда лойиҳаловчи нафақат технология ва лойиҳаланаётган устахонанинг иқтисодий курсаткичлари, балки ишлатиладиган хомашёнинг асосий курсаткичлари ва тайёр маҳсулот истеъмол қиласидиган ҳалқ ҳўжалигига қарашли корхоналар билан алоқа ўрнатиши керак.

Лойиҳа олди ишларда технология ва иқтисодий ҳисоблаш бажариш, шунингдек, илмий текшириш ходимлари, ишлаб чиқаришда ишловчи ходимлар билан истемолчилар учрашишга тўғри келади. Бу ишда технологлардан ташқари бошқа соҳадаги лойиҳаловчилар курувчилар, транспортчилар, иқтисодчилар, энергетиклар, иссиқлик техниклари сантехниклар ва бошқалар қатнашишлари шарт. Лойиҳа олди ишларни бажараётганда технолог қурилиш майдонини танлашда ҳамма маълумотларни жамлаб, шундан кейин асосий қурилиш майдони белгилайди.

Юқорида келтирилган маълумотларни танлашда ва уларни топишда, катта масштабдаги ишлаётган корхоналар ёки янги лойиҳаланган корхона ва шунга ўхшаш корхоналарнинг материалларидан фойдаланиш мумкин. Шунга ўхшаш корхонанинг йўқлигида, унга керак бўладиган цехларнинг сони яъни ҳисобини, жиҳозларнинг таҳминий баҳоси, спецификация бўйича ҳамма объектларнинг планинг тузиш, (ёрдамчи объектларни танлашдан олдин лойиҳаланган лойиҳалардан фойдаланилади) кетадиган сув ҳажмини, иссиқлик, электроэнергия, сув ва газ, чиқиндилар миқдорини, ва штатлар ҳисобини белгилайди.

Дастлабки, маълумотларга лойиҳалаш ҳисобига кетадиган ҳаражатларни ҳисоблашда шунга ўхшаш объектлардан маълумот олинади ва бўларга 1m^2 бино ва иморат (курилиш, сантехник қисмлари ва бошқалар). 1Квт танлаб олинган қуввати (электр жиҳозлари учун) ва 1 m^2 йўл қурилиши (транспорт бўлими) ва бошқалар. Лойиҳалаётган корхонага ўхшайдиганларини танлашда катта эҳтиёткорлик ва қунт керак. Лойиҳа олди ишларда яхши ўйламасдан шунга ўхшашлар капитал ҳаражатлар икки баробарга ошиб кетади.

Лойиҳалаш

Ҳамма мамлакатларда лойиҳалаш идоралари лойиҳани бажарувчи ҳисобланади. Лойиҳалаш учун буюртмани буюртмачи беради. Лойиҳалаш вазифасига ҳамма кўрсатмалар киритилиши керак. Буларга лойиҳалашни асослаш, мўлжалланган қурилиш райони, ишлаб чиқариш қуввати, тайёр маҳсулотнинг хилма-хиллиги, бошқа корхоналарнинг хомашё ва иссиқлик билан таъминлашлиги, илмий ишларда янги технологиянинг жорий қилиши, сув газ ва бошқа чиқиндиларни жорий заарсизлантириш, келажакда ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтиришни таъминлаш, маҳсулотнинг таннархи ва бошқалар киради. Буюртмага лойиҳалашнинг босқичлар сони кўрсатилиши керак. Бу босқичлар сонини тасдиқлайдиган корхона томонидан олиб борилади. Бунда лойиҳа ишларини камайтириш кўзда тутилиши ва лойиҳалашда типовой ва олдиндан лойиҳаланган объект-

лардан фойдаланиши керак. Лойиха буюртмасини олиб бо-ришда қуидагиларга аҳамият бериши керак. Ушбу тармоқ-нинг корхонанинг плани, ҳамда шу қурилиш районининг келгусидаги иқтисодий кўрсаткичлари, ривожланиши, ушбу тармоқнинг ривожланиши кўп муддатга мўлжалланган ил-мий-техник ҳужжатлар ва шу соҳадаги илмий текширув ишларининг плани ҳисобланади. Лойиха буюртмасини тай-ёрлаш жуда жавобгарлик иш бўлиб ва унда ҳар хил соҳадаги мутахассислар қатнашиши керак. Лойиха олди буюртмани ишлаб чиқиш, буюртмага эмас (ишлаб турган корхонани бироз кенгайтириш, ишлаб турган корхонада кичкина қурилма қуриш ва бошқалар) киради. Ҳозирги пайтда ишлатила-ётган кўргазмага асосан лойихалаш корхонаси буюртмани-бажаришда фаол қатнашиши керак. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда лойиха олди ишларидан кейин буюртма ва иш берувчилар ўртасида шартнома тасдиқланади. Лойиха-ланаётган маҳсулотларнинг турли-туманлиги корхонанинг қувватига ва тайёр маҳсулотнинг сифати шу кабиларни тек-шириш корхонаси белгилайди. Шунингдек, лойихаловчилар буюртмани тайёрлашда олдин буюртмачидан маҳсулотларни хилма-хиллигини ва корхонанинг қувватини аниқлаши керак. Катта ва мураккаб иншоатлар учун лойиха буюртмасини тайёрлашда техник иқтисодий кўрсаткич.

Лойиха тайёрлашда энг катта вазифа бу техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва техник томондан шу ин-шоатни яратиш киради.

Лойиха яратишда асосий вазифаларни бажариш лойиха-ловчи бурчи бўлиб, уларга: тайёр маҳсулотнинг турлари ва корхона қувватини аниқлаш, корхонанинг маълум метод-ларини танлаш, хомашёни техник кўрсаткичларини текши-риш, бошқа корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш ва сув ва ҳавони тозалигини таъминлашлар киради. Шунингдек лойиха буюртма бериш учун дастлабки ҳужжат ҳисобланиб, янги жиҳозларни ишлаб чиқиш ва илмий текшириш ишла-ри учун программаларни тайёрлаш киради. Қурилиш май-донни танлашда, ҳамма қизиқувчи ташқилотлар томони-

дан тузилган комиссия тузиш санитар назорати бўлимлари, минэнерго, темир йўл бошқармаси ва бошқа ташқилотлардан ҳамда маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда олиб борилади.

Буюртмачининг берган дастлабки маълумоти, лойиҳаловчи технолог бор регламентини кўриб чиқишга мажбур, ҳамда илмий-текшириш ва қурилма ишларининг ҳисоботини, лойиҳанинг асосий мақсадга тўғри келишини аниқлаши керак. Муҳокамадан кейин қўйидаги саволларга жавоб олиниши керак:

1) Бор. дастлабки маълумотлар лойиҳалаш учун етарлими, ва у билан узоқ ишловчи жиҳозларни танлаш мумкинлиги у ёрдамида тайёр маҳсулотнинг олдиндан мўлжалланган сифатини таъминлай оладими?

2) Кўрсатилган ишлаб чиқариш усули тайёр маҳсулотнинг баҳосини таъминлай оладими?

